Инв. № 545
Гос. книжная палата УзССР

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 259 (4954).
18 НОЯБРЬ 1982 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Қардошлик қонуни билан

Туркманистон гидроиншооти қурувчиларининг муваффақияти

Қардош Туркманистондан хушхабар келди — «Каракумгидрострой» трести коллективи СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақада юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришди. Бу коллектив йил бошидан буён графикда кўзда тутилганидан анча кўп иш бажарди.

В. И. Ленин номидаги Қорақум канали қурувчиларининг кўп минг кишилик коллективи Туркманистонни қардошларча дўстлик ришталари боғлаб турган Ўзбекистонга бағишланган меҳнат вахтасида алоҳида муваффақиятларга эришди. Шу давр мобайнида 927 минг сўмлик — планда кўзда тутилганидан анча кўп қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди, неча ўнлаб гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, 440 квадрат метр турар жой фойдаланишга топширилди, деярлик барча объектлар «аъло» ва «яхши» баҳолар билан қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

Долзарб мавзу

«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК»КА — ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Роппа-роса бир ойдан кейин Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари «қизил шанбалик» — коммунистик меҳнат байрамини зарбдор меҳнат билан нишонлаш учун миллионлаб совет кишилари каби ўз иш жойларини эгаллайдилар. Ўша куни ҳаммаёқ алвон шиорлар, гуллар билан безатилади, ҳамма ерда меҳнат кўтаринкилиги ҳукм суради. Ҳозир эса ана шу кунга тайёргарлик кўрилмоқда. Меҳнат коллективларида митинглар, умумий йиғилишлар бўлиб ўтаяпти, уларда оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилинмоқда, ишчилар шанбалик учун иш жабҳаларини, ўзларининг ўмум ишига қўшадиган ҳиссаларини аниқламоқдалар.

Бу йилги шанбалик ўзига хосдир. Бу шанбалик кўп миллатли Ватанимиз ҳаётидаги шонли сана — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланади. Шунинг учун ҳам меҳнат байрамига тараддуд кўраётган ишчилар, инженер-техник ходимлар, хизматчилар мамлакатимиз юбилейи шарафига қилинган ишларни таҳлил этмоқдалар, янги, янада юксак марраларни белгиламоқдалар. «Главташпассавтотранс»нинг 7-таксопарки коллективи ўн ойлик планни муддатидан илгари адо этиб, пландан ташқари 100 минг сўмлик даромад олди. 18 декабрь кунидаги зарбдор вахтага ҳозирлик кўраётган коллектив ўша куни топшириққа қўшимча 2,5 минг сўм даромад олиш, 21 машинани ремонтдан чиқаришга қарор қилди. 123 такси тежаб қолинган бензин ҳисобига ишлайди.

Тошкент тракторсозлари кўп миқдорда маҳсулот, шу жумладан эллик трактор учун деталь ва узелларни ишлаб чиқаришни мўлжаллашмоқда. Тошкент тўқимачилик комбинати 2-фабрикасининг меҳнат зарбдори А. Хисматуллина ўз дугоналари номидан: бизнинг комсомол-ёшлар коллективимиз камида 1,5 тонна олий сифатли калава ишлаб чиқаради, деб элон қилди. «Главташкентстрой» 159-қурилиш трестининг коллективи 60 минг сўмликдан знёд қурилиш-монтаж ишларини бажариш мажбуриятини олди. Бу — одатдаги кунлик нормадан бир мунча кўп.

«Ташсельмаш» заводи, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Средазкабель» бирлашмаси ва бошқа корхоналардан ҳам бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Кўпчилик коллективлар коммунистик шанбалик куни иқтисод қилинган хом ашё, материаллар, электр ва бошқа энергия ҳисобига ишлашни мўлжалламоқдалар. Масалан, тикувчилар шанбаликка тайёргарликнинг дастлабки кунлариданоқ шахсий тежам ҳисобларини очиб, ўша куни 30 процент маҳсулотни иқтисод қилинган материаллар ҳисобига ишлаб чиқариш, шу куни фақат тежалган электр энергия ва ёнилғи ҳисобига ишлаш ниятидалар.

Ҳар қандай оммавий тадбир унга кенг, ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилгандагина муваффақиятли амалга оширилади. Шанбаликка пухта ҳозирлик кўриш фақат ишлаб чиқариш вазифаларини аниқлашдан иборатгина эмас. Қўшимча равишда уни идеологик таъминлаш, муҳим сиёсий тадбирни кенг пропаганда қилиш керак. «Узбексельмаш», «Тошкент трактор заводи» ва бошқа ишлаб чиқариш бирлашмаларида айнан шундай иш тутмоқдалар. Партия комитетлари «қизил шанбалик»ка тайёргарлик масаласига ниҳоятда катта эътибор беришяпти. Чиройли қилиб босмахоналарда босилган мурожаат-чақириқлар, асосий ишлаб чиқаришда машғул бўладиган ишчилар учун махсус нарядлар тайёрланмоқда. Шанбаликнинг қандай ўтиши ҳозирдан аниқланяпти. Эрта билан барча цехларда митинглар бўлиб ўтади, уларда ишлаб чиқариш илғорлари, корхона раҳбарлари, партия комитетининг аъзолари сўзга чиқадилар. Шанбаликнинг бориши завод радиоси орқали эълон қилиб борилади, «Чақмоқ»ларда энг юксак меҳнат унумдорлигига эришган илғорларнинг номи маълум қилинади. Барча хабарлар шанбаликни ўтказиш бўйича штабда жамланиб, умумлаштирилади.

Мамлакатимизда муҳим саналар шарафига ўтаётган меҳнат байрамлари «Буюк почин»нинг чинакам давомидир. Владимир Ильич Ленин биринчи коммунистик шанбаликда меҳнатга янгича муносабатни кўриб, унга юқори баҳо берган эди. Шу куни ҳар биримиз ишлаб топган маблағ жамоат эҳтиёжларига: болалар, даволаш ва спорт комплекслари, санаторий ва дам олиш уйлари қурилишига сарфланишини биз яхши биламиз. Одамлар учун, жонажон Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши учун меҳнат қилиш ҳисси минг-минглаб меҳнаткашларни зарбдор меҳнатга даъват этади.

Аммо ишчилар ва меҳнат коллективларининг юксак мажбуриятлари, эришилган муваффақиятлар ҳақида гапирар эканмиз, шанбаликка ҳамма ерда пухта ҳозирлик кўрилганми, энг юксак унумдорликка эришиш учун барча резервлардан фойдаланилдими! деб қайта ва қайта ўйлашимиз лозим.

Мамлаатимиз ҳаётидаги муҳим сана яқинлашмоқда. Советлар мамлакатининг халқлари буюк Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига бирлашиб олтмиш йилки, қўлни-қўлга бериб мамлакатимиз қудратини ошириб боришяпти, уни гуллаб-яшнатмоқдалар. Ҳар бир республика, ҳар бир ишчи нақадар кўп ҳисса қўшса Ватанимиз шунчалик қудратли бўлади. Шанбаликка тайёргарлик кўришда икир-чикирлар бўлмайди. Ҳар биримиз тежаган ҳар бир килограмм металл, киловатт-соат электр энергияси бошқалар тежаган килограммлар ва киловатт-соатларга қўшилиб юз баравар, минг баравар кўпаяди. «Экономика тежамли бўлиши керак» —партиямиз XXVI съезди эълон қилган ана шу тезис ҳамма учун йўлчи юлдуз бўлиши лозим. Ҳозир коммунистик шанбаликка тараддуд даврида партиянинг ана шу даъватига амал қилиш айниқса муҳимдир. Чунки ана шу меҳнатни яхши ташкил этиш, илғор технологияни қўллаш ҳисобига тежалган хом ашё ва материаллар ҳисобига 18 декабрь куни қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилади. Тежам фонди нақадар кўп бўлса, шанбаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг салмоғи ҳам шунчалик кўп бўлади.

Меҳнат байрами — Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигига бир ой қолди. Имкониятларни синчиклаб таҳлил қилиш, резервларни, қўшиладиган ҳиссани аниқлаш учун ҳали вақт бор. Ҳар бир иш жойидаги юксак унумли меҳнат ана шу тайёргарликка боғлиқ бўлади.

Мамлакатимиз тарихидаги шонли саналарга меҳнат совғаларини тайёрлаш совет кишилари учун яхши анъана бўлиб қолди. СССР ташкил топганлигининг 60 йиллиги олдидан «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта!» шиори остида ўтаётган социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Ана шу байрамга тайёргарликда коммунистик шанбалик бош зарбдор меҳнат куни бўлиб қолади. Ҳар биримиз Ватанимиз бахт саодати йўлида нималарга қодир бўлсак ана шу байрам куни намойиш этишимиз лозим. «Меҳнатимиз сенга, Ватан!» шиори ана шу куни ҳаммамизни илҳомбахш меҳнатга сафарбар этувчи шиор бўлади.

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТИНИНГ МУРОЖААТИГА ЖАВОБАН ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ОЧИҚ ХАТИ «ОҚ ОЛТИН» ТЕРИМИДА ҚАТНАШАЁТГАН ОЛОВҚАЛБ ЁШЛАРНИ СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИНИНГ ШОНЛИ ЮБИЛЕЙИНИ КАТТА ТЎЁНАЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛИШГА ЧОРЛАМОҚДА

Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг шу кунларда пахтазорларда меҳнат қилаётган Тошкентнинг шонли ўғил ва қизларига очиқ хати уларнинг қалбини тўлқинлантириб юборди. Тошкент автомобиль йўл институти, тўқимачилик ва енгил саноат институти, Низомий номидаги педагогика институти, геология-қидирув техникуми ва бошқа ўқув юртлари студентларининг пахта бригадаларида чақириқ-хатни муҳокама этиш бўйича қизғин митинглар бўлиб ўтди. Хатдаги қайноқ, дилдан айтилган сўзлар ҳосил тақдири учун, бизнинг, Ўзбекистон пахтасининг 6 миллион тонналик хирмони учун курашга чорламоқда. Пойтахтнинг ёш вакиллари митингларда сўзга чиқиб шундай дейишмоқда: Ҳурматли кишиларнинг оталарча ғамхўрлигига зарбдор, матонатли меҳнат билан жавоб берамиз. Ҳосилнинг сўнгги чаноғигача, «оқ олтин»нинг сўнгги граммигача териб олишга эришамиз!

Бепоён пахтазорлар узра бригададан-бригадага бугунги кунда қуйидаги чақириқ таралмоқда:

СЕН ЗАБТ ЭТИЛАСАН, ОЛТИ МИЛЛИОН ТОННАЛИК «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИ!

Пахтамиз 5.700.000 тоннадан ошди!

Биз ҳаммамиз — пахтакормиз

ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР № 37

«ОҚ ОЛТИН» — ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 17 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

ТОШКЕНТ	0,02	109,13
ҚҚАССР	0,19	107,90
ХОРАЗМ	0,17	107,67
БУХОРО	0,20	104,00
НАВОИЙ	0,31	101,18
Сурхондарё	0,27	95,14
Фарғона	0,85	93,55
Самарқанд	0,45	92,16
Қашқадарё	0,51	91,25
Андижон	0,43	91,22
Жиззах	0,51	90,58
Сирдарё	0,28	90, 19
Наманган	0,46	88,91
Республика бўйича:	0,38	96,35

⊙ Сирдарё область Гулистон районидаги «Октябрь» колхози йиллик планни бажарди. Бу ерда гектаридан 30,7 центнердан хирмон кўтарилди ва қабул пунктларига 5.720 тонна «оқ олтин» топширилди.


⊙ Жиззах области далаларида Тошкент шаҳрининг олий ўқув юртлари студентлари баракали меҳнат қилмоқдалар. Улар мавсум бошидан буён хирмонга 78.500 тонна пахта тўкдилар. Айниқса, Низомий номидаги педагогика институти, халқ хўжалиги институти, медицина ва тўқимачилик институтлари студентлари намуна бўлмоқдалар.



ҒАЛАБА ОНЛАРИ ЖУДА ҲАМ ЯҚИН, ЯНА БИР ҒАЙРАТ КЎРСАТСАК ҒАЛАБАГА ЭРИШАМИЗ! (Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг Очиқ хатидан).

А. Ғонпов ва М. Нуриддинов фотомонтажи.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ ва ТОШКЕНТ ҚИЗИЛ ТОНГ газеталари ВА «ГЛАВТАШПАССАВТОТРАНС» КОРХОНАСИНИНГ РЕСПУБЛИКА ПАХТА ДАЛАЛАРИДАГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ



Махсус мухбирларимиз Ҳ. ИКРОМОВ, А. ХАТАМОВ, А. ЭГАМНАЗАРОВ Сирдарё ва Жиззах областларидан хабар қиладилар:

«БУГУН БИЗ ҲАММАМИЗ — ПАХТАКОРЛАРМИЗ!» ДЕГАН СЎЗЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК АҲАМИЯТИНИ ЧУҚУРРОҚ ТУШУНИБ ОЛИШ, ПАХТА ТЕРИМИДА БЕВОСИТА ЁРДАМ БЕРИШ, ШУ ТАРИҚА ҲАР БИР КОЛХОЗ ВА СОВХОЗ, ҲАР БИР РАЙОН ВА ОБЛАСТЬ ҚАБУЛ ЭТГАН МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ, ҚАМИДА 6 МИЛЛИОН ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТЕРИБ ОЛИШ — ҲАР БИР КИШИНИНГ ЭНГ БИРИНЧИ БУРЧИДИР.

(Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг республиканинг барча меҳнаткашларига Мурожаатидан).

38. Табиат қийинчиликларини енгиб

АНКЕТА САВОЛЛАРИ:

1. Бахт деганда нимани тушунасиз?

2. «Меҳнат семестри»га муносабатингиз қандай?

Бугун анкета саволларига Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг студенти Абдуропи ҲОЖИМУРОТОВ жавоб беради:

1. Студентлар учун бахт ўзи ихлос қўйиб кирган институт ёки техникумни муваффақиятли битиришдир.

2. «Меҳнат семестри»да киши ҳаётнинг ачиқ-чучугини озгина бўлса-да татиб кўради. Негаки, кенг, ёруғ аудиториядаги шароит бошқа-ю, даладаги шароит бошқа. «Меҳнат семестри»да киши меҳнатнинг қадрига етади.

Биз Октябрь райони пахтазорларида бўганимизда Дўстлик районидаги Ленин номли совхозининг бригадир-механизатор Ҳ. Рустамова ва бошқаларнинг областнинг барча меҳнаткашларига Мурожаати билан танишдик. Мурожаатда, жумладан шундай дейилган: «Пахтачиликда меҳнатимиз самарасини тарозига қўядиган ҳал қилувчи дамлар етиб келди. Энди етиштирган мўл ҳосилимизни тезроқ йиғиб-териб олиб, юқори сифат билан Ватан омборига етказиб беришдек жуда катта масъулиятни ёруғ юз билан оқлашимиз лозим!» Бу сатрлар Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг 6 миллион тонналик Ўзбекистон пахтаси учун курашда жасорат ва фидокорлик намуналарини кўрсатаётган тошкентлик ўғил-қизларига Очиқ хати сатрлари билан ҳамоҳангдир. Барча студент-ёшлар ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам республикамизнинг 6 миллион тонналик улкан хирмони учун курашга муносиб ҳисса қўшишга интилишяпти. Образли қилиб айтганда пахтазор — ҳақиқий жасорат майдонига айланди! Биз С. Раҳимов номли, Ф. Хўжаев номли, Охунбобоев номли, Ҳ. Олимжон номли совхозлар ва бошқа совхозларда бўганимизда виждон рамзи бўлган «оқ олтин»ни йиғиб-териб олиш учун кекса-ю ёш ўз ўрнини пахтазорда деб билганини яққол ҳис этдик.

Тошкент политехника институтининг минглаб студентлари жизахликларга мададкор бўлмоқдалар. ТошПИнинг Жиззах филиали студент ёшлари ҳам «Ўрнимиз — пахтазорда» демоқдалар. Институтнинг 800 дан зиёд студенти Октябрь район пахтакорларига кўмаклашишмоқда. Улардан 225 нафари «Уч қаҳрамон» совхозининг 4 ва 5-бўлимлари пахтазорларида фидокорлик кўрсатмоқдалар. У. Холбўтаев, К. Фозилов каби ўқитувчилар эса студентлар ўртасида ташкилотчилик ва сафарбар этувчилик ишларини олиб боришяпти. Шуни айтиш керакки, мана шу кунларда ҳам студент-ҳашарчилар ўртасида ташкилий-тарбиявий ишларни олиб боришнинг аҳамияти катта-дир. Ҳар бир киши қалби ва онгидан пахтамизнинг жаҳоншумул аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги фикр мустаҳкам жой олган. А. Назаров, Т. Маҳкамов, Р. Исломов каби кўплаб студентлар ёрдамидан пахтакорлар миннатдор бўлмоқдалар. Ҳатто илғор студентлардан У. Рўзиқулов, А. Аҳмедов «Уч қаҳрамон» совхози маъмурияти томонидан пул мукофоти билан тақдирландилар.

Бебаҳо бойлигимиз — пахтани нес-нобуд қилмасдан, она-Ватан омборига топшириш ҳамманинг ватанпарварлик, интернационал бурчидир. Пахта учун кураш ҳақиқатан унумхалқ курашига айланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг Мурожаати барчани ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам «оқ олтин» учун курашни бўшаштирмасликка даъват этмоқда.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги нишонланадиган зарбдор йилда 6 миллион тонналик «оқ олтин» хирмонини бунёд этиш учун курашга муносиб ҳисса қўшиш фикри ҳар бир виждонли кишининг қалбидан жой олган.

(Давоми бор).

ДЎСТЛИК УЧУН МАСОФА ПИСАНД ЭМАС

«Ўзтюмендорстрой» трести коллективи СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига олган социалистик мажбуриятни бажарди: Тюмень диёрида қирқ километр автомобиль йўли билан иккита темир йўл кўпригини ўз кучига олувчи ишга туширилдиган комплекс муддатидан илгари фойдаланишга топширилди.

Ҳали яқиндагина қизил лента кесилиб, Ғарбий Сибирь ёқилғи-энергетика комплекси территориясида Нягань-Юган-Тайга сойи устига Ўзбекистон йўл қурувчилари барпо этган биринчи темир-бетон автомобиль кўприги орқали қатнов бошланган эди. Мана, орадан икки ой ўтар-ўтмас яна бир тантана. Бу сафар қурилаётган йўлнинг 24-километрида, Хугот сойининг ботқоқли соҳилида қарнай-сурнайлар ғалабадан дарак берди. Бу ерда шу йилнинг кўкламида ахёнахёнда вертолёт моторларининг овозигина тайдан кетма-кет ўта бошлади. Икки ой муқаддам бўлганидек, яна Пўлат Ризаев бошчилигидаги қитоблик кўприксозлар бригадаси шаънига нефтчилардан, ўрмон хўжалиги ходимларидан, геологлардан энг қизғин ва самимий сўзлар ёғила бошлади. Кўприк қурувчилар Тюмень диёрида барпо этган биринчи иншоот каби бу объектни ҳам нормадаги муддатидан ярим йил барвақт қуриб топширдилар.

Иккита кўприкдан ташқари, қаттиқ қопламли қирқ километрдан кўпроқ автомобиль йўлни ўз ичига оладиган бу йилги ишга туширилган комплекси план муддатларидан қарийб бир квартал илгари фойдаланиш учун топширилди. Давлат комиссияси уни «яхши» баҳо билан қабул қилиб олди. Ўзбекистонлик йўл қурувчилар Тюмень диёрида бажарган ишларининг ҳажми бўлтургидан икки ҳисса ошиб, бу йил йигирма миллион сўмликдан ортиб кетди.

Аммо гап ошиб бораётган қурилиш ҳажмининг миллион сўмларидагина эмас. Қирқ километр йўл— илгари чакалакзор ичкарисида жойлашган, юклар ва ишчилар ҳамон вертолётлар билангина ташиладиган Талин нефть конига автомобиль билан бориш имконини беради. Ўзбекистон вакиллари солган автомобиль йўли келгуси йилдаёқ бу ерда ёқилғи қазиб олишни бир ярим баравар кўпайтириш, ер остидан нефть чиқариб олаётган кишиларнинг турмуш ва меҳнат шароитларини бекиёс яхшилаш имконини беради.

Ўзбекистонлик автомобиль йўлларини қурувчилар Тюмень диёри бойликларини жадал ўзлаштиришнинг партия XXVI съезди қарорларига ёзиб қўйилган умумхалқ вазифасини мана шундай ҳал этмоқдалар, шу йил март ойида Ўзбекистон ССРга Ленин ордени топшириш пайтида Леонид Ильич Брежнев республика қурувчиларига берган наказини мана шундай бажармоқдалар.

Совет халқларининг бузилмас қардошлиги компасига қараб, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми туйғуларининг амри билан йўлга чиққан ўзбекистонликлар бу ерда қураётган автомобиль йўли Тюмень чакалакзорлари ва ботқоқликларига тобора ичкарилаб кириб бормоқда. Энди йўл қурувчилар Сибирь нефтчилари учун жуда муҳим бўлган Емёговск конига йўл солишни кўзламоқдалар.

А. БАРАНОВ, ЎзТАГ мухбири.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ТЕЖАМКОРЛИК—КОММУНИСТИК ХИСЛАТ

ТОМЧИДА ҚУЁШ АКСИ

● ХЎЖАЛИК ИШИНИНГ МУҲИМ СОҲАСИ ● БРИГАДА ПУДРАТИ — ИҚТИСОД КАЛИТИ ● ЯНГИ ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯГА ТАЯНИБ

Шу йилнинг ўтган тўққиз ойида Тошкент шаҳри саноат корхоналари 50 миллион киловатт-соат электр энергияси ва бошқа материал ресурсларни тежаб қолдирлар. Агар тежалган ҳар бир киловатт-соат электр энергияси қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарши учун сарфланса, 164 килограмм кўмир ёки 65 та гишт тайёрлаш, 6 килограмм қоғоз, 4—5 квадрат метр ип-газлама, 1,1 килограмм жун-калава, 7 килограмм печенье, 45 килограмм маргарин, 3 килограмм нон... тайёрлаш мумкин. Агар тежамкорлик янада кучайтирилса-чи!

Турган гап, томчида улкан қуёш акс этиши мумкин. Томчилар йиғилганда эса азим дарё бўлиши аниқ. Ундан эса она-Ер, боғу роғлар, бутун тирик мавжудот баҳраманд бўлади. Корхонада ҳам шундай: материал ресурслар, ёқилғи, электр қуввати, умуман, ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом ашё қанчалик тежаб-тергаб сарфланса, чиқимга, ортиқча харажатга йўл қўйилмаса, шунчалик кўп маҳсулот ишлаб чиқариш, ўн биринчи беш йилликнинг бош вазифаси — халқ фаровонлигини оширишга муносиб улуш қўшиш мумкин бўлади.

Аммо тежамкорлик фақат номигагина, тежаш учунгина бўлмаслиги керак. Тежаб қолинган хом ашё, ёқилғининг ҳар бир килограмми, электр энергиясининг ҳар бир киловатт-соатидан унумли фойдаланиб, уларни қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфламоқ керак.

Бизнинг бугунги фаровон ҳаётимизда янада тежамли, бўлиш, ортиқча исрофгарчиликка йўл қўймаслик куннинг бош вазифаларидан бири бўлиб қолаяпти. Шунинг учун ҳам КПСС XXVI съездида «Экономика тежамли бўлиши керак» деган шиор ўртага ташланди. Эндиликда мазкур шиор остида Тошкент шаҳри саноат, қурилиш, алоқа ва транспорт корхоналари ўртасида тежамкорлик ҳаракати қизғин паллага кирди. Ҳар бир меҳнат коллективи «Кам маблағ сарфлаб, кўплаб сифатли буюмлар ишлаб чиқарамиз» демоқда. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигига қарашли Тошкент кўн-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлган киши бунга тўла ишонч ҳосил қилади. «Бир неча йил муқаддам бу корхона «Спорт буюмлари фабрикаси» деб юритиларди. Ҳозирги «Ўзбекистон» кўчасида — «Ўзбекбирлашув»нинг рўпарасида жойлашган эди. Пастқам, тор ва нимқоронғу цехларда ишлаш оғир эди. Ишчилар бор имкониятларини ишга солишиб, меҳнат қилишларига қарамай, меҳнат самараси юқорига кўтарилмасди. Зотан «План— қонун, бажармоқ—бурч, ошириб бажармоқ шараф дир!». Буни улар чуқур ҳис этардилар-ку, аммо... Тежамкорлик тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмасди...

Эндичи, бутунлай ўзгача манзара. Уч йил муқаддам спорт буюмлари фабрикаси Беруний майдони ёнида қад кўтарган янги, муҳташам, замонавий типда қурилган, янги техника ва технология билан жиҳозланган катта ишлаб чиқариш корпусига кўчиб ўтди. Ҳаммаёқ топ-тоза, озода. Цехлар ёруғ, кенг ва шинам. Бир сўз билан айтганда, корхона юксак ишлаб чиқариш маданиятига эга.

— Мана бу ерда энди чинакамига иш бўлаётган харидоргир буюмлар тайёрланмоқда.

Тежамкорлик бўйича белгиланган комплекс тадбирларнинг оғишмай амалга оширилаётганлиги ўз самарасини беряпти. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида 20 минг сўмлик хом ашё ва материаллар, шу жумладан, 150 минг дециметр квадрат табиий чарм, 4,0 минг метр квадрат сунъий чарм, 5,0 минг метр квадрат газлама тежаб қолинди. Шунингдек, 116 минг киловатт-соат электр энергияси, 112 минг гикокалория ёқилғи ва бошқа ресурслар ҳам тежалди.

Бу рақамлар ҳаммаси план кўрсаткичидан юқоридир. Хўш, бундай ютуқларга қандай эришиляпти?

Экономикани тежамли қилишда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формасини янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозир ишчиларнинг мутлоқ кўпчилиги ана шундай бригаталарда ишламоқдалар. Шу кунда бирлашмада меҳнатни стимуллаштириш ва ташкил этиш бўйича янги системада 418 нафар ишчи ишлаяпти—18 та бригада меҳнат қиляпти. 1982 йилнинг охирига бориб бу системага 60 процентга яқин ишчи ни жалб этиш кўзда тутилган.

Бу самарали усулда жорий этиш КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Советининг «Пландаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарорига жуда мос бўлиб тушяпти.

Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада усули қандай метод ўзи? Унинг афзалликлари нимадан иборат? Бригада бўлиб ишлаш формаси меҳнатни илмий ташкил этиш, унинг мазмунини бойитиш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун кенг имконият яратади. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, ишчилар ташаббусини ривожлантириш мақсадида, хўжалик ҳисобига ўтган бригадалар меҳнат унумдорлигини ошириш, хом ашё, материаллар, ёқилғи ва электр энергиясини тежаш, ускуналардан фойдаланишни яхшилаш ва бошқа кўрсаткичлар бўйича юқори натижаларга эришадилар.

Мана биз буни бирлашманинг биргина бригадаси мисолида кўрдикми мумкин. Бичув цехининг бичиқчилари бригадаси бошлиғи Нина Заверилина шундай ҳикоя қилади:

— Бизнинг бригадамиз ўтган йилнинг ўрталарида ташкил этилган. Меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасига ўтишимиз ишимизда бурилиш ясади. Бригада таркиби стабиллашди, ҳозир унда 20 киши ишлаяпти. Коллективда меҳнат унумдорлиги сезиларли даражада ўсди, одамлар юксак ишлаб чиқаришдан моддий манфаатдор бўлиб қолишди. Ҳар бир бригада аъзосининг ўз ишига нисбатан масъулияти ва талабчанлиги ошди. Ишчилар иш вақтини, энг муҳими хом ашё ва материал ресурсларни тежайдиган бўлиб қолишди. Масалан, илгари бичиқчи материални палапартишлик билан бичар, натижада анча чарм чиқитга чиқиб, брак бўлар эди. Эндичи, бутунлай бошқача: у ўйлаб, эҳтиёткорлик билан чамалаб бичади, ортиқча сарф бўлишига йўл қўймайди.

Жангга кираётган солдатни қуролсиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, ҳозир техникасиз ишлаб чиқаришни ёки айрим меҳнат жараёнини ҳам тасаввур этиш қийин. Эскирган дастгоҳларни янгиси билан алмаштириш, иш жараёнларини такомиллаштириш, янги технологияни жорий этиш — буларнинг ҳаммаси иқтисод ва тежамкорликка эришишда муҳим омилдир. Яна шу нарсани таъкидлаш лозимки, бу ишлар ижодий фикр қишиларининг ҳамоҳанг меҳнат билан ҳам узвий боғланганлигидир. Ихтирочи ва рационализаторлар стационарни такомиллаштирадилар, уларнинг унумли ва тежамли ишлашини таъминлайдилар. Бу соҳада ҳам бирлашма фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, талай ишлар қилинганлигининг гувоҳи бўламиз. Фақат электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланиш бўйича бу йил 8 та йирик тадбир ўтказилади. Бунинг натижасида 53,6 минг киловатт-соат электр энергияси тежаладии. Иссиқлик энергиясини тежаш бўйича эса 6 та тадбир белгиланган. Бу қарийб амалга оширилди. Пировард натижада йил охирига бориб 100 гикокалория иссиқлик энергияси иқтисод қилинади.

Янги техника ва технологияни жорий этиш бўйича бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилдики, буларнинг ҳаммаси маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, сифатни яхшилаш билан бирга тежамкорлик режимини қатъийлаштириш имконини яратди. Хусусан, йил бошида бу борада белгиланган комплекс тадбирларнинг амалга оширилиши, шу жумладан: қўлқоп чармини созловчи агрегатни, «НВ—10», 4ПВГ—8-220» маркали прессларни, чиқиндилар ташиш учун ишлатиладиган транспортёрни, қўлқопларни бичиш технологиясини ва бошқа шу каби тадбирларни жорий этиш бугунги кунда катта самара беряпти.

— Шундай тадбирларнинг бири жуда самарали бўлган эди,— дея эслайди бош директор Собир Каримович.—Бичув цехида янги асбоб-ускуналарни ўрнатиш ва уларни ўзлаштириш бўйича анча ишлар қилдик. Чунончи, цехда турли хил сумкаларнинг янги моделларини бичиш мақсадида мураккаб бичиш технологияси жорий этилди. Шунингдек, сумкаларни кассетали бўлакчалар ҳолида бичиш ҳам йўлга қўйилди. Натижада бичиш-тикиш ишлари сифатигина ошиб қолмай, балки планга нисбатан ҳам ашёдан фойдаланиш проценти ошди, тежамкорлик кучайди, таннарх арзонлашди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ижодий фикр кишилари ҳам тежамкорлик ҳаракатига бефарқ қараб туролмадилар. Улар бу ҳаракатга актив қўшилиб, ижодий изланишлар олиб бориб, ўз ишларида тежамкорлик принципларини қўллаяпти. Ана шундай ижодий изланишлардан бири — Ўзбекистон ССР Халқ ёзувчиси Ғафур Ғулом номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатида ишлаётган ёш ишчи Ирина Ким ихтирочилик ишларини бошлаган. Ирина ишлаб чиқаришдаги камчиликларни кўриб, уларни бартараф этиш йўлларини ахтаради. Ана шундай изланишлардан бирида у ўзи ишлаётган станокка қўшимча мослама ўрнатиб, ип узилиши вақтини 2 баробар камайтиришга эришди. Ирина Ким ихтирочилик ишларини давом эттирмоқда.

Ҳа, тежамкорлик ҳаракатида ҳар бир ишчи, ҳар бир меҳнат коллективи ўзининг муносиб ўрнини топиши, ўзининг ҳиссасини қўшиши мумкин ва шундай қилиши керак.

Ўзбекистон ССР Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ҳисоб-китобларига кўра, шаҳар саноат корхоналари 1982 йилнинг ўтган тўққиз ойида 50 миллион киловатт-соат электр энергияси ва бошқа материал ресурсларни тежаб қолдирдилар. Биргина съездлар йилида умумий иқтисодий самараси 174 минг сўмлик бўлган 144 та ихтирочилик ва рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу таклифларнинг катта қисми хом ашёни тежашга, меҳнат унумдорлигини ўстириш ва маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилди.

Шу кунларда бирлашмада «Экономика тежамли бўлиши керак!» шиори остида социалистик мусобақа байроғи тобора баланд ҳилпирамоқда. Тежамкорлик ҳаракатида барча ишчилар актив иштирок этмоқдалар. Уларнинг ҳар бири хом ашёни мумкин қадар тежаб қолишга, Ватан юбилейини шахсий меҳнат армуғони билан кутиб олишга интиляпти.

Кўн-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқарувчиларнинг бу йилги марралари янада улкан. Улар бу йил 29 миллион сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга, шундан 6,3 миллион сўмлигини давлат Сифат белгиси билан, 1,5 миллион сўмлигини «Н» индекси билан тайёрлашга, иқтисодий самараси 200 минг сўмлик бўлган 175 та рационализаторлик таклифини жорий этишга бел боғлаганлар. Тежамкорлик бўйича белгиланган комплекс тадбирларини жорий этиш эвазига эса 30 минг сўмлик хом ашё ва материал, 50 минг киловатт-соат электр энергиясини тежаб қолишга эришмоқдалар.

Ана шундай ишлар Тошкент шаҳрининг ҳар бир корхонасида, ҳар бир цехида, ҳар бир бригадасида кенг миқёсда олиб борилмоқда. Ана шундагина тежамкорлик ҳаракати ҳақиқий маънодаги халқ ҳаракатига айланади.



СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи бирлашмаси коллективи мамлакатимиз юбилейи йилида алоҳида ғайрат билан меҳнат қилиб тракторлар ва прицеплар ишлаб чиқариш топшириғини ортиғи билан адо этяпти. Корхонада юбилейга бағишланган зарбдор меҳнат ҳафталари зўр муваффақият билан ўтяпти.

СУРАТДА: тайёр маҳсулот майдонида жўнатиш учун ҳозирлаб қўйилган тракторлар.

М. Нуриддинов фотоси.

ШАҲАР—ҚИШЛОҚҚА

ТРАНСПОРТЧИЛАР КЎМАГИ

Шаҳримиз транспортчилари бу йилги пахта, мева ва сабзавот ҳосилини йиғиб-териб олишда деҳқонларга яқиндан ёрдам беряптилар. 7-таксомотор парки коллективи амалга ошираётган ишлар бунга яққол мисол бўла олади. Парк ҳайдовчилари, техника хизмати кўрсатиш ходимлари республикамиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига кўрсатаётган ёрдам ниҳоятда кўп қиррали. Жумладан, улар 1,5 ой мобайнида Тошкент область Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозида сабзавотни йиғиб-териб олишда, Бўстонлиқ районидаги «Ҳожикент» совхозида узум, олма териб олишда фаол кўмаклашдилар. Кўплаб ҳайдовчилар район партия комитетларининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Шу кунларда 40 киши Пискент районидаги «КПСС XXV съезди» номли совхозда пахта термоқда. Ҳар куни хирмонга 1,5 — 2 тоннага етказиб пахта тўкилмоқда.

Транспортч и л а р қишлоқ хўжалик техникасини ўз вақтида ремонтдан чиқаришга ҳам яқиндан ёрдам беряптилар. 6 та механик ва маҳсус кўчма устахона шу йил бошида Сирдарё область Комсомол районидаги оталиқдаги Аҳмедов номли совхозга жўнатилган эди. Улар ҳозирги пайтда ҳам зарурий техникани ўз вақтида, сифатли ремонтдан чиқариб беряптилар.

— Қишлоқ меҳнаткашлари билан ҳамкорлигимиз тобора мустаҳкамланиб боряпти, — дейди 7-таксомотор парки директори З. В. Бадалян. — Оталиқдаги хўжаликлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўз вақтида йиғиб-териб олишда бундан кейин ҳам фаол иштирок этаверамиз. Бу Озиқ-овқат программасини амалга ошириш ишига қўшган бизнинг ўзига хос ҳиссамиз бўлади.

И. ОЧИЛОВ.

Ғўзапоя учун агрегат

Ғўзапоя бебаҳо хом ашё бўлиб, у қурилиш индустрияси, мебель саноатида ёғоч ўрнини боса олади. Лекин уни саноатда кенг қўллаш ишларида ғўзапояни далалардан ташиб келтиришда катта қийинчиликлар туғилаётган эди. Эндиликда бу қийинчиликларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар белгиланмоқда. Фрунзе шаҳридаги озуқа йиғиш машиналари конструкторлик-технол о г и я институти мутахассислари ғўзапояни йиғиштириб оладиган пресс-подборщикини яратдилар. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникаси давлат комитетининг Қўйлиқдаги тажриба ремонт механика заводида ана шу янги механизмнинг дастлабки партияси ишлаб чиқарила бошланди.

«ПС—1,6Х» маркали пресс-подборщик барча модификациядаги «Белорусь» тракторларига қўшиб ишлатила беради. Бу агрегатнинг ишлаш қобилияти соатига 12 тонна ғўзапояни пресслашдан иборат.

ҒАЛАБА РАПОРТИ

Тошкентдаги «Компрессор» заводининг коллективи социалистик мажбуриятини муддатидан илгари бажарди. Ун ой ичида пландан ташқари 705 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу мажбуриятда кўзда тутилганидан 255 минг сўмлик кўпдир. Қўшимча равишда 47 та компрессор ишлаб чиқарилди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш юзасидан йиллик топшириқ 20 процент оширib адо этилди. Сув таъминлиги оқибатларини тугатиш учун қўриқ областларга 224 та компрессор станция етказиб берилди.

ФОТОГРАФЛАРГА МАНЗУР БЎЛАДИ

СССР Фанлар академияси Сибирь бўлими қаттиқ жисм химияси институтида яратилган фотоқоғоздаги тасвир химиявий шелктив моддалар солинган ванначаларда эмас, балки иссиқ дазмол остида пайдо бўлади. Қоғозга дазмолда ишлов бериш жараёни атиги 5 — 7 секундни олади. Унга тасвирни очадиган, уни маҳкамлайдиган моддалар ҳам керак эмас, шунингдек уни ювиш ва қуритишга ҳам эҳтиёж қолмайди.

Олимлар фотоқатламни тайёрлашда кристалл моддалар қизиганида ҳолатининг ўзгариш хусусиятларини назарда тутдилар. Жумладан, олдиндан нур таъсир эттирилган ҳар хил тузлар химиявий реакцияга тезроқ кириб, парчаланади, янги фотоқоғоз сурат ишланаётганида негатив орқали ўтувчи нур кучидаги салгина тафовутларни ҳам «эслаб қолади» ва суратни ғоятда яхши чиқаради.

Бундай қоғоздан фойдаланиш фотосуратлар тайёрлашни анча соддалаштириш ва тезлатишга, кумуш сафини икки баравар камайтиришга, фотоателье ходимлари меҳнат шароитларини яхшилашга имкон беради.

(ТАСС мухбири).

Республика бўйлаб

Смоленск областига, Дорогобуж шаҳрига Намангандан энг яхши нав қовунлар жўнатилди. Икки вагон қовун ортган кооператорлар шу адресга сара мевалар, сабзавот, полиз маҳсулотларини биринчи марта жўнатаётганлари йўқ: чунки Наманган шаҳри Дорогобуж ишчилари билан дўстлик алоқаси ўрнатган. Дорогобужлик ишчилар область маркази корхоналари учун энг янги машина-ускуналар жўнатиб турибдилар.

* * *

Бундан буён Термиз аҳолиси телевидениесининг Бутуниттифоқ иккинчи программасини бемалол кўришлари мумкин. Бу ерда Жарқўрғондан реле линияси орқали тасвирни қабул қилиб оладиган янги передатчик ишлай бошлади. Ҳозир Сурхондарёнинг бошқа аҳоли пунктларида ҳам москванинг иккала программасини кўриш имконини берадиган қўшимча аппаратлар монтаж қилинмоқда.

* * *

Чустдаги автомобилларга техника хизмати кўрсатувчи станция турли маркадаги машиналарни ремонт қилмоқда. Бу ерда энг янги машина-механиз м л а ри бўлган катта комплекс ўрнатилди, замонавий цехлар қурилди. Улар янгича жиҳозланди. Станция асбоб-ускуналари парки ғилдиракларни созлайдиган стендлар, кўтаргичлар, турли станоклар билан тўлдирилди. Станция ишлай бошлагандан бери ўтган беш йил давомида автомобилчиларга корхона кўрсатаётган хизмат ҳажми ўн баравар кўпайди.

* * *

Қаршида қурилаётган матбуот уйида полиграфия машиналари монтаж қилина бошланди. Матбуот уйи «кўриқ пойтахтимиздаги янги жамоат маркази комплексига киради, бу ерда область газеталари редакциялари, босмахона, нашриёт корхоналари жойлашади. Газ химияси индустриясининг навқирон шаҳри Муборакда типовой лойиҳа асосида яна бир матбуот уйи бунёд этилмоқда.

* * *

Чуст механизациялашган кўчма колоннаси ғишт заводининг қуввати икки ярим баравар оширилди. Корхонани реконструкция қилиш тугалланди. Эндиликда корхона йилига 5 миллион дона ғишт чиқара олади. Айни вақтда завод ҳузурида оҳак цехи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда ҳар йили 2 минг тонна оҳак ишлаб чиқарилади.

* * *

Бахт районидаги 52-автокорхона ҳайдовчиси Бозор Ҳакимов 1984 йил ҳисобига меҳнат қила бошлади. Юксак профессионал маҳорат, ташаббускорлик илғор шофёрнинг топшириқни қарийб икки баравар оширишга кўмаклашмоқда. Б. Ҳакимов машинанинг бўш юришини ғоят камайтирди. У ҳамиша зарур юкларни топади. Айни вақтда ҳайдовчи тежамкорликка катта эътибор бермоқда. Беш йиллик бошидан бери икки комплект авторезина, саккиз юз сўмлик запас қисмлар, бир ярим тонна ёнилғи тежаб қолди. Автокорхонанинг ўнлаб шофёрлари Бозор Ҳакимовдан намуна олиб, графикдан ўзиб меҳнат қилмоқдалар.

Андижон тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида мактабгача ёшдаги болалар муассасаларига кичкинтойларни жойлаштириш учун энди навбатга турилмайди. Бу ерда янги болалар комбинати ишга туширилди. Ҳозир бирлашмада бешта болалар боғчаси бўлиб, у ерда бир мингдан ортиқ кичкинтой тарбияланмоқда.

(ЎзТАГ).



СУРАТДА: Шаҳримиздаги геологоразведка тажриба экспериментал заводининг механика цехи илғор ишчиларидан (чапдан-ўнгга) Х. Маҳмудов, Я. Шейфев, Я. Закиевларни кўриб турибсиз. Бу ишлаб чиқариш илғорлари шу кунларда 1983 йилнинг октябрь ойи ҳисобига маҳсулот топширишяпти.

А. Тўраев фотоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

БУХАРЕСТ. Руминияда 21 ноябрь куни маҳаллий Советларга депутат сайлаш кампанияси қизғин бормоқда. Сайловчилар депутатликка номзодлар билан учрашувда уларга наказ беришгина қолмай, шу билан бирга бу учрашувлардан илгариги чақириқ халқ советлари ишларини яқунлаштириш учун ҳам фойдаланмоқдалар.

Пойтахтни обод қилиш соҳасида каттагина ишлар қилинди. Бухарестнинг 6-секторидаги грант кўпригини ва унинг атрофидаги кўчаларни реконструкциялаш иши тугади. Натижада вокзал районида транспорт қатнови яхшиланиб, районда аҳоли қатнови учун қулайроқ шароит вужудга келди. Друмул Табере кўчаси Пэчей хиёбонининг транспорт қатнайдиган қисми кенгайтирилди, 16 та кўчага асфальт ётқизилди, 15 та болалар майдончаси аҳоли ёрдамида жиҳозланди, 40 гектар майдонда янги кўкаламзор зона барпо этилди.

ИККИ БАРАВАР КЎП

ПРАГА. Шимолий Моравия областидаги Гавиржов шаҳри аҳолиси ўз шаҳрини ободонлаштириш юзасидан олган йиллик социалистик мажбуриятларини бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. Шаҳар аҳолиси шанба ва якшанба кунлари планда белгиланганидан 2 баравар кўп — жами 3 миллион соатдан ортиқ ишлади. Шахтерлар шаҳарчаси аҳолисининг ихтиёрий меҳнати якунлари яққол кўринib турибди. Кўпгина районларда янги мактаблар, болалар боғчалари, бошқа социал-маданий объектлар қад кўтарди. Кўкаламзор майдонларни кўпайтиришга катта эътибор берилди. Натижада Гавиржовда парк ва хиёбонлар бир неча минг квадрат метр ҳажмида кенгайди.

ИШЧИЛАР КАФОЛАТИ

СОФИЯ. И. Бояжиев номли Бургас кемасозлик заводи коллективи кемаларни ремонт қиладиган сузувчи устахонани тайёрлаб, совет буюртмачиларига топширди. Бу— Улуғ Октябрь байрами шарафига Бургас кемасозларининг советлар мамлакатига қилган меҳнат совғасидир. Янги кема Болгария — Совет илмий-техника ҳамкорлиги натижасида яратилди.

Завод коллективи бу йил Бургас округида «СССРга юборилади-ган маҳсулотга ишчилар кафолати» деган шиор остидаги ҳаракатнинг ташаббускори бўлди. Коллективнинг ўзи совет буюртмаларига мувофиқ қуриладиган ҳамма кемалар фақат аъло сифат билан топширилади, деган мажбуриятини шараф билан адо этмоқда.



БАНГЛАДЕШ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. Мамлакатнинг энг муҳим қишлоқ хўжалик экинларидан бўлган жут мана шундай саватларда ташилади.

ЧТК—ТАСС фотоси.

Чет элларда фан ва техника

Болгарияда тўла вакуум шаротида одатдаги ёқилғи билан, шунингдек қуёш энергияси ва атом энергияси билан ишлай оладиган иссиқлик генераторли мотор ясалди. Бу мотор суюқ ёқилғи билан ишлаётганида атмосферани қарийб булғамайди ва ғоятда тежамлидир. Бу энергетикада, автомобилларда ва темирйўл локомотивларида, йўл машиналари ва қурилиш машиналарида кенг қўлланилди.

* * *

Польшалик олимлар самолётларнинг ёнилғи-ни ёнишга йўл қўймайдиган восита ишлаб чиқдилар. Бу суюқлик самолётларнинг юзида юпқа пишиқ қатлам вужудга келтиради ва у устига тушувчи намликнинг яхлашига йўл қўймайди ва самолётнинг металл конструкциясини шикастлантирмайди.

* * *

Пекин цемент институтининг олимлари бетонни портламай бузадиган порошоксимон состав ишлаб чиқдилар. Уни ишлаб чиқариш арзонга тушади, ишлатиш қулай ва ташиш хавфсиздир. Шу порошокнинг сувга қорилган «хамири» бетоннинг тешигига қуйилади ва у кенгая бориб бетонни парчалайди.

Шундай парчалаш методини иморатлар зич жойлашган шаҳар районларидаги бинoларни бузишда, шунингдек карьерларни ишлашда қўллаш қулайдир.

* * *

Ҳиндистонлик мутахассислар қуёш энергияси билан ишлаб овқат пиширишда қўлланадиган кўчма печь яратдилар. Кўзгулар системаси қуёш нурини йиғиб, печда 140 градус температура вужудга келтиради.

Ҳиндистонда дон қуритадиган, сув иситадиган қуруқ сут тайёрлайдиган қуёш установкалари ишлаб турибди.



• Қадрлаган—қадр топади

ФАЗИЛАТЛИ БЎЛИНГ, БИРОДАР

Одатда уйга меҳмон келса, катталар иззатда, ёшлар хизматда бўлишади. Ўша куни ҳам шундай бўлди. Дам олиш куни, оиламизда акам ва мендан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Кеч соат бешлар чамаси уйимизга акамнинг дўсти —Мансур акам келди. Икки дўст суҳбатлашиб ўтиришар, мен уларга чой тайёрлаб бергач, ўз ишим билан машғул эдим. Орадан бир ярим-икки соат чамаси вақт ўтди. Бир вақт акам мени чақирди. Ичкари кирдим.

— Сенда Мансур акангнинг иши бор экан, гаплашиб олинглар, мен ҳозир келаман, — деб акам бизни холи қолдириб чиқиб кетди.

Мансур акам гапни узоқдан бошлади. Одамийлик, инсон қадр-қиммати, инсоний бурч, меҳр-оқибат... ва ниҳоят виждон азоби.

— Ана шу охиргиси мени қийнаб юборяпти, ҳатто соғлиғимга ҳам таъсир кўрсатяпти. Кундан-кун саломатлигимни ҳам йўқотяпман. Виждон азобидан қутилиш дориси йўқми, дўхтир?

— Нима бўлди, ўзи? —дедим хомуш тортиб.

— Ўзингизга маълум, ука, яқинда диссертациямни ҳимоя қилдим. Лекин бу олимлик даражасига етгунча одамийлик деб аталмиш муқаддас бир сўзни унутиб қўяёзибман, на илож синган кўза асл ҳолига келмагандек, бу воқеа мен учун бир умрли сабоқ дарси бўлиб қолди... Жамила бувимни «қазо қилибдилар», — деган хабарни эшитдиму, бутун вужудим зирқираб кетди. Ахир, ахир, ўз бувимиздек бўлиб қолган кимса-я? Наҳотки кўра олмасам, наҳотки энди бир умр...

Кўзларимдан оқаётган ёшни тўхтатолмадим, ўзимни ўзим кўп дан ошиб кетган эди. Ҳазиллашиб ёшларини сўрасак, «Биламанми, энди 13 дан 14 га чиқдим шекилли», —деб ҳазилга олар эдилар. Қани ўша ширин дақиқалар? Лоақал бир минути қайтиб келса эди. Ёшлари 90 дан ошганига қарамай, ўзлари жуда бақувват эдилар. Ҳатто бир челак сувни ўзлари бемалол кўтарар, келинларига қараб ўтирмай кир-чирларини ўзлари ювар, ҳовли саҳни эса ёт тушса ялагудек турар эди.

Фарзандлари кундуз кунлари ўқиш-ишга кетишган пайтда бувим ёлғиз қолар, мен ё укам ёки ойим, қисқаси оиламиздан бирон бир кимса у кишига ҳамроҳ бўлардик. У кишининг айтиб берадиган ҳаётий ёки «эски китоб»лардан олган ҳикояларини эшитиб киши завқланар, эшитган сари эшитгинг келар эди.

Ёлғиз қолсалар китоб-дафтаримни кўтариб олдиларига чиқардим. Гапириб туриб, йўқ бўлиб қолар эдилар. Бир қарасангиз челак кўтариб сувга чиқиб кетган ёки яна алланимани кўтариб бир минут тинч ўтиролмас эдилар.

Бориб қўлларидаги челакни олгудек бўлсам: Қўйвур, дарсингни қил, ўзим олиб бораман»,— дея челакни асло бермас, оғир ишларига кўмаклашсам, ақалли бир челак сув келтириб берсам узундан-узун дуо қилар, ажин босган қўллари билан бошимдан ушлаб, пешонамдан ўпардилар, одатдагидек қўшиб қўярдилар: «Ўқиб олим бўлгин, мулло бўлгин, домла бўлгин, таннинг соғ, жонинг омон бўлсин, болам...»

Ёз кунларининг бирида кундуз куни қон босимлари ошганми, ҳар қалай ухлаб ётган жойларида ўзларини билмай қолганлар. Ўша куниёқ шифокор ўғиллари—Баҳриддин амаким келиб, ўз уйига олиб кетган эди. Шундан кейин ойим, дадам бориб келишди, соғайганликлари ҳақида ҳабар эшитиб турдик.

— Чарчаб қоласиз, —деб Баҳриддин амаким ўз уйидан ҳеч ерга чиқармай, яхши парвариш қилиб юрди.

Хаш-паш деб, орадан бир йил вақт ўтди. Диссертациямни ҳимоя қилиш арафасида Жамила бувининг тобилари йўқлиги ҳақида уйда тез-тез гап бўлиб турди. Ойим, дадам бориб кўриб келишиб, анча хомуш торгишди: «Бувинг анча кетиб қолибдилар, бир кўриб келгин, минг қилса ҳам сенга доялик қилиб, киндигингни кесганлар. Мен уйда йўқ бўлсам, ёхуд бетоб бўлсам доимо ўзлари сенга қарардилар, оқ ювиб-оқ тарардилар. Қисқаси сенга мендан кўра бувингнинг меҳнатлари кўп сингиган. Дуоларини олиб қолгин, ғаниматлар, дея», ойим бир неча бор айтдилар.

Ҳатто бувимнинг ўзлари ҳам сўрабдилар: «Олим ўғлим қалай, яхши юрибдими? Омон бўлсин, менинг ёшимга етсин...»

Диссертация ҳимоясидан сўнг дам олгани курортга жўнаб кетдим, шу шум хабарни эшитиб бутун вужудим титраб кетди.

Наҳот бир йилда ақалли бир соат вақт ажратиб, бувимнинг ҳолиларини сўрай олмадим?! Олим бўлиш осон экан-у, аммо одам бўлиш қийин экан-да?!

Бу воқеа мени бир умр виждон азобига солиб қўйди. Мен истардимки, бу воқеа ёнатрофимиздаги дўстларимиз учун ҳам сабоқ бўлсин. Чунки инсонийлик фазилати дунёда тенги йўқ буюк фазилатдир.

Қ. НИЗОМОВ,
шифокор.

Техника тараққиёти йўлида

ЮК КОНТЕЙНЕРЛАРДА ТАШИЛАДИ

«Узавтотранстехника» бирлашмаси тажриба устахонаси ишчилари бир тўп автомобиль олд ойнасини контейнерга жойлаштирдилар. Сўнгра шу контейнерни автомобилга ортиб қишлоқ йўлларидан бир неча соат ҳайдадилар. Машина устахонага қайтиб келганида синовларнинг барча қатнашчилари «ойналар бутун эканлигини» мамнуният билан қайд этдилар.

Автомобиль олд ойнасини ташиш қимматга тушади. Ойнанинг юзи эгик бўлганлигидан уни жойлаштириш ва ташиш қийинлашади, сингани кўп бўлади. Энди эса автомобиль ойнасини ташишда унинг синиши ғоятда камаяди. Синовлардан кейин кўплаб ишлаб чиқаришга тавсия қилинган махсус контейнер шунга ёрдам беради. Самарқанд автомобиль транспорти тажриба заводида шундай контейнерларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

— Юкларни идишсиз, контейнерларда ташишни кенг кўламда жорий этиш — КПСС XXVI съездида автомобиль транспорти ходимлари олдига қўйилган муҳим вазифадир, дейди «Узавтотранстехника» лойиҳа-конструкторлик технология бюросининг бош инженери В. А. Семёнов.— Бу самарали технология автомобилларнинг бекор туришини камайтириш, юк ортиш-туширишни тезлатиш, хом ашё ва материалларнинг асралишини оширишда катта имкониятлар очиб беради. Бизнинг бирлашмада ойна, сабзавот ва ҳўл мева, нон, қум ва бинокорлик деталларни ташишда ишлатиладиган контейнерлар ишлаб чиқилди. Улардан фойдаланиш ҳар йили юз минглаб сўм пулни тежайди.

Айни маҳалда бирлашманинг мутахассислари контейнерларни ташийдиган машиналарнинг ўзини ҳам ишлаб чиқармоқдалар.

(ЎзТАГ).

• *ҲАР ТЎҒРИДА*

«Қулаётган минора»

Италиянинг Пиза шаҳридаги машҳур «қулаётган минора» мана икки йилдирки, оғишдан тўхтаб қолди. Маҳаллий маъмурларнинг хабар беришича, кўпчилик туристлар диққатини ўзига тортадиган бу ноёб архитектура иншооти 1980 йилдан бери ўз қиёфасини ҳатто 1 миллиметр бўлсада ўзгартирмади.

Минора қурилиши XII асрда бошланган эди. Шундан бери унинг чўққиси ўз перпендикуляридан 5,25 метр оғиб кетди. XVI асрда эса Галилео Галилей ернинг тортиш кучини ўрганишда миноранинг оғиш ҳолатидан тажриба учун фойдаланди.

Олимларнинг фикрига кўра Пиза минорасининг аста-секин оғиши у бунёд этилган жойдаги ер тупроғининг намлилигидан дарак беради.

Иқтисодий тараққиёт қурбони

Бразилиянинг Паран штатидаги миллий боғ ва унинг атрофидаги шаршарали ҳовузлар иқтисодий тараққиёт қурбони бўлишди. Табиат томонидан яратилиб беқиёс гўзалликка эга бўлган «Сети кедас» боғининг ер юзидан бутунлай йўқолиб кетиши кишини ташвишга солади. Паран дарёси устида гидроэлектрстанция қурилиши планига кўра, катта территориядаги ер ва манзарали жойлар сув остида қолиши мўлжалланмоқда.

Сентябрь ўрталарида табиат инъом этган бу жой манзарасини сўнгги бор томоша қилгани минглаб туристлар келишди. Энди эса боғга одам киритиш маън этилган. Кўприклар, ер ости йўллари ва шу райондаги бошқа иншоотлар бузишга тайёрланмоқда.

Ўттиз биринчи уринишдан сўнг

Англиянинг Ньюпорт шаҳридаги барлардан бирининг эгаси Бетти Тюдор яқинда автомобиль ҳайдаш гувоҳномасини олди. Агар бир муҳим воқеа содир бўлмаганида бу нарса оммавий ахборот воситалари диққатини ўзига тортмаган ва ҳеч қандай шов-шувга сабаб бўлмаган бўлар эди. Бетти Тюдор ўттиз йил мобайнида шоферлик ҳуқуқини қўлга киритиш учун ўттиз марта имтиҳон топширган бўлса-да бу уринишларнинг барчасида у муваффақиятсизликка учраган. Бетти ўқиган уч автомактаб бу «ўзлаштира олмовчи» автомашина ишқибозини қайта ўқиш ҳуқуқидан бутунлай маҳрум этган эди.

Сўнгги имтиҳон вақтида Бетти Тюдор автомобиль рулини бошқариб бораётган эди. Машинанинг кўча қоидасини бузиб бораётганига аҳамият берган полициячилар ҳайдовчидан гумонсираб уни бутун шоферлик курси штати бўйича таъқиб этиб бордилар. Полиция машинасини измаиз қувиб келаётганидан қўрқиб кетган ҳайдовчи эса иложи борича рулни тўғри бошқаришга ва йўл қоидасини бузмасликка ҳаракат қиларди.

Фавқулоддаги бу ҳодиса туфайли Бетти Тюдорга бахт кулиб боқди. У шоферлик гувоҳномасини қўлига олди.

Яна бир «жаҳон рекорди»

Яқинда Ғарбда яна бир шубҳали «жаҳон рекорди» ўрнатилди. Бельгиялик Жон Массис умумий оғирлиги 22 тонна келадиган иккита икки қаватли микроавтобусни арқонга боғлаб 2,3 метр масофага ўз орқасидан тортиб бора олди.

Бу муваффақиятнинг ноёблиги шундаки, бу «рекордсмен» арқонни қўли билан эмас, балки тиши билан тишлаб тортган.

Қизиқарли пазандалик

БАНАН БАРГИДАН ДЎЛМАЛАР

Ҳиндистон мамлакатларининг хўжалик маданий типида шоли билан бир қаторда, банан дарахти муҳим роль ўйнайди. Банан мевасидан пазандачиликда ўнлаб таомлар тайёрлайдилар, пиширадилар, жем, мураббо пиширадилар, сиқиб шарбатини оладилар, ғўрасини турли овқатлар хушхўр қилувчи масаллиқ сифатида қўшадилар, қовурадилар, қайнатадилар, димлайдилар ва ҳоказо.

Пазандаликда бу дарахтнинг мевасигина эмас, барги ҳам аҳамиятли. Барги идиш вазифасини ўтайди, унга пиширилган гуруч, гўшт ва бошқа таомларни солиб ейдилар. Қишлоқлардагина эмас, шаҳарларда ҳам чинни, фаянс, шиша, сопол, металл идишлар йўқлигидан эмас, булар кўплаб бўлса ҳам банан баргидан ликопча сифатида фойдаланиш каби ибтидоий одат ҳанузгача тарк этилмаган. Қола верса, банан барги овқат сифатида ҳам кенг қўлланилади. Мана банан барги дўлмаларидан бир неча намуналар:

Гўшт қиймага тухум ва ҳар хил зираворлар қўшиб қийма тайёрлайдилар, буни банан баргига сосиска тахлит ўраб пиширадилар. Елимшиқ гуруч билан ловияни қайнатиб олиб, гўшт қийма, чопилган пиёз, туйилган долчин аралаштириб, банан баргига ўраб қасконда пиширадилар.

Гўшт қийма, тўғралган пиёз, таом селитраси, бўғланма гуруч— барчасини аралаштириб банан баргига ўраб консерва тайёрлайдилар.

Думбил шолини сидириб, қозонда қовуриб олиб уқалаб оқлайдилар-да, бунга яшил нўхат, павидло ва кокос ёнғоғининг сутидан қўшиб банан баргига ўраб буғда пиширадилар.

Чуқурча кавлаб олов ёқадилар, чўғ устига бир неча қават банан барги тўшаб тозалаб тайёрланган балиқларни бир қатор қилиб терадилар-да, устига яна банан барги тўшаб, тупроқ тортиб гулхан ёқадилар, бир соатлардан кейин очиб ўз селига ҳил-ҳил бўлиб пишган балиқларни олиб банан баргига солиб дастурхонга тортадилар.

Чўчқа гўштини ховончада туйиб, бунга ҳар хил зираворлар қўшиб қийма тайёрлайдилар, буни банан баргига ўраб ликопча ёки косача шаклида пиширадилар. Елимшиқ гуруч билан ловияни қайнатиб олиб, гўшт қийма, чопилган пиёз, туйилган долчин аралаштириб, банан баргига ўраб қасконда тайёрлайдилар.

Гўштни ҳам тузлаб қоқи ҳолида ховончада туядилар-да, элакисини банан баргига ўраб олиб қўядилар. Бундай ўзига хос консерванинг хўжайини оилада эркак киши ҳисобланади. У ҳар куни уй бекасига гўшт талқондан қанча ва қандай таом тайёрлашини айтиб, ўз қўли билан олиб беради. Бироқ гуруч нинг хўжайини оилада аёл ҳисобланади, у қанча гуруч дан қандай таом тайёрлаши зарурлигини ўзи белгилайди.

Қизиқ. Аччиқ овқатларни эркаклар ўзларига ўзлари тайёрлашади, бунда улар бамбукдан ясалган идишдан фойдаланишади. Аксинча ширин таомларни аёллар тайёрлашади ва улар сопол идишлардан фойдаланишади.

К. МАҲМУДОВ.



«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида янги пардабоп газлама ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу газламадан тайёрланадиган пардалар хоналаримиз ҳуснига янада ҳусн қўшади. Янги маҳсулот ишлаб чиқариш вазифаси суратда (чапдан-ўнгга) Тамара Шоалимова ва Валентина Муратова сингари тажрибали тўқувчиларга топширилди. Улар тайёрлаётган маҳсулотлар аъло сифатга қабул қилинаяпти.

В. Сироткин фотоси.

• *Бир шингил табассум*

НЕМИС ЮМОРИ

Бир ёш шоир ўз шеърларини Теодор Фонтанега жўнатар экан, шундай деб ёзди:

— Жаноб Фонтане, мен ўз шеърларимда нуқта ва вергулларни атайлаб ишлатмадим, чунки менимча улар бутунлай ортиқча. Агар сиз уларни қўйишни лозим деб топсангиз, марҳамат, хоҳлаган жойга қўйишингиз мумкин.

Фонтане шеърларни авторга қайтариб жўнатар экан, шундай деб ёзди:

— Ёш дўстим, илтимос, келгуси сафар редакцияга фақат нуқта ва вергулларни жўнатсангиз! Шеърларни эса ўзимиз бир амаллармиз.

* * *

— Мана, илтимосингизни ҳам ўринлатдик, — деди адвокат судланувчининг ёнига келиб, — сизни уч ой қамоқ жазосига ҳукм қилишди.

— Раҳмат сизга, яхшилигингизни бир умр эсдан чиқармайман. Сизга ҳам жуда қийин бўлгандир?

— Қийини ҳам гапми? Роса терга тушиб кетдим. Судья билан терговчи оёқ тираб олишганди, зўрға кўндирдим. Ахир, улар сизни бутунлай бўшатиб юборишмоқчи эканда.

* * *

Самолёт ҳавога кўтарилди. Ногаҳон самолётни бошқариб бораётган учувчи қаҳ-қаҳ уриб кула бошлади.

— Нега кулаяпсиз, ҳима гап ўзи? — сўрашди йўловчилар.

— Жиннихонамизнинг врачлари қандай аҳволга тушиб қолганлигини сизлар тасаввур ҳам қилолмайсизлар, — деди у ўзини кулгудан тўхтата олмай, — ҳозир укол қилиш бошланади. Мени излашади, мен эса мана, қочдим.

* * *

Ота ўғлининг қум еб ўтирганини кўриб қолди. Қўлидан етаклаб уйга киргизди ва бир пиёла сув ичирди, сўнгра врачга қўнғироқ қилди:

— Доктор, тез етиб келинг, ёрдамингизга муҳтожмиз.

— Нима бўлди ўзи?

— Ўғлим қум еб ўтирган экан, бир пиёла сув ичирдим.

— Бўпти, ҳозир етиб бораман.

—Сиз келгунингизча биз нима қилиб турайлик?

— Нима ҳам қиларингиз, цемент бермай турсангиз бўлгани.

Немис тилидан
И. ПАРДАЕВ
таржимаси.



Маррага яқинлашганда

«Пахтакор» — «Торпедо» (Москва) — 1:1

Тўғрисини айтганда, жуда кўп тошкентлик футбол мухлисларини командалар майдонга чиқиши олдидан икки кун тинмай ёққан қордан кейин майдонда қандай ўйин бўларкин, деган савол қаяжонлантирарди.

Футбол мухлислари стадионга келганларида яшил майдонни кўриб ниҳоятда қувониб кетишди. Майдоннинг бирон жойида ҳатто кўлмак ҳам йўқ эди.

— Учрашувни ўтказишга тайёргарлик кўриш учун,— деди республика Марказий спорт комбинатининг директори Яков Григорьевич Якубов, —ҳодимларимизга деярли икки кеча-кундуз қор курашга тўғри келди. Ўттиз киши, шу жумладан, бош инженер Ш. Рамазонов, катта спорт аренасининг бошлиғи С. Пикалов, майдон мастери В. Мирошченко, стадион ходимлари С. Собитов, Р. Абдуллаев, В. Виноқуров худди болаларга ўхшаб қордан қорбобо ясашди. Кейин улар стадиондан ташқарига олиб чиқилди. Ишимиз осон бўлмади. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, юз ағдарма машинага юк бўладиган қорни майдондан олиб чиқишга тўғри келди. Аммо футболчилар, учрашув судьялари ва учрашув инспектори бир овоздан: «Майдон учрашувга аъло даражада тайёрланган» деганларидан кейин ниҳоятда хурсанд бўлиб кетдик.

Дарҳақиқат, республика пойтахти асосий стадионининг ходимлари майдонни учрашувга ҳозирлаш учун жуда кўп тер тўкишди. Шу боисдан ҳам футболчилар учрашувни ниҳоятда завқ билан бошладилар. Уларнинг мақсади ҳаво совуқ бўлишига қарамасдан стадионга келган мухлисларнинг кўнглини хушнуд этиш, эди. Учрашув ниҳоятда катта тезликда ва шиддатли бошланди.

Дастлабки дақиқалардаёқ ҳар икки команда шиддатли ҳужум уюштиришга аҳамият берди. Дастлаб бир неча ҳимоячиларни алдаб ўтиб, «Пахтакор»нинг ярим ҳимоячиси Игорь Иванов қулай вазиятга чиқди. Афсуски, у имкониятдан фойдалана олмади.

Орадан бир неча дақиқа ўтганидан кейин эса Яновский қўриқлаётган дарвоза олдида ҳавфли вазият вужудга келди. Торпедочиларнинг ҳужумчиси Николай Васильев ҳисобни очиш имконини қўлдан бой берди.

Ана шундан кейин рақибларнинг мақсадлари равшанлаша борди. Торпедочилар ҳужумни асосан А. Редкоус ҳаракат қилаётган қанот бўйлаб уюштиришга аҳамият беришди. Бу спортчи Ҳ. Бойметовни бир неча мартa алдаб ўтиб, тўпни мезбонларнинг жарима майдонига етказиб берди. Москваликларнинг ярим ҳимоячилари эса майдон марказида тўла ҳукмронликни қўлга киритишди. Улар ҳужумчиларига қулай вазиятда тўп етказиб бериб турдилар. Шундай қилиб улар мезбонларнинг ҳужумларини ҳаракатларини чегаралаб туришди.

Пахтакорчилар эса меҳмонларнинг маҳоратидан хабардор бўлганликлари учун нуқсонсиз ҳаракат қилишга уринишди. Энг авало ҳимояга аҳамият беришди. Аста-секин қарши ҳужум уюштириш режаларини туза бошладилар.

Танаффусга қадар дарвозаларга икки марта тўп киритилди. Ҳар икки вазиятда ҳам ҳимоячилар қўпол хатога йўл қўйишди. Дастлаб майдон эгалари ўзларининг ҳужумларини Учрашувнинг 36-минутида Кабаев хотиржам турган торпедочиларнинг ҳимоячиси А. Дозморовдан тўпни олиб қўйди. Ана шундан кейин ёш ҳужумчи ниҳоятда катта тезлик-





да ва оқилона ҳаракат қилди. Гўё тўпни дарвозага тепаётгандек бўлиб, аслида уни ярим ҳимоячи А. Журавлевга етказиб берди. У кучли зарб билан тўпни дарвозага йўллаб ҳисобни очди —1:0.

Меҳмонлар ҳисобни тенглаштириш учун бир неча минут сарф қилишди. Ўнг қанот бўйлаб олдинга ташланган В. Гатайба тўпни майдон эгаларининг жарима майдонига етказиб берди. Шу дақиқада мезбонларнинг ҳимоячиси В. Якимцов ўз ўрнига қайтишга улгурмаган эди. А. Редкоус тўпни ерга туширмасдан кучли зарб билан дарвозага йўллади— 1:1.

Танаффус бошланишига бир неча дақиқа қолганида А. Якубик ўз командадошларини ҳисобда олдинга олиб чиқиш имконига эга бўлди. Аммо у кучли зарб билан тепган тўп нишонга аниқ бормади.

Учрашувнинг иккинчи бўлимида пахтакорчилар активликни янада кучайтиришди. Улар бир неча марта қулай вазиятларга чиқдилар. Аммо имкониятдан тўғри фойдалана олишмади. Шундай қилиб, бу сафар ҳам биринчи даврадаги сингари командалар ўртасидаги учрашув дуранг натижа билан якунланди. Ҳар икки команда ҳам ўз активига очко ёзолмади. Чунки улар дуранглар лимитидан фойдаланиб бўлишган эди.

Энди шу турнинг бошқа учрашувларининг натижалари ҳақида тўхталайлик. Маълумки, аввалги турда пахтакорчилар Минск шаҳрида турнир пешқадами диномачилар билан беллашиб, муҳим бир очкони қўлга киритишган эди. Мавсум якунланганида ҳар бир йўқотилган имкониятнинга тенг бўлиб қолиши мумкин. Ана шу йўқотилган имкониятнинг ўрнини тўлдириш учун минсклик футболчилар москвалик динамочилар билан бўлган учрашувда бор маҳоратларини ишга солишди. Ҳақиқий маънода жасорат кўрсатиб ўйнаб, шу мавсумдаги энг йирик ғалабани қўлга киритдилар. Улар москвалик динамочиларнинг дарвозасини етти марта нишонга олишди. Ўз дарвозаларини эса дахлсиз сақлаб қолдилар.

Чемпионлик учун асосий даъвогарлардан бўлган Киевнинг «Динамо» командаси ҳам ўз олдига қўйган вазифани уддалади. Киевлик футболчилар Тбилиси шаҳрида маҳаллий динамочиларни 5:1 ҳисобида енгишди. Москванинг «Спартак« командаси эса имкониятни бой берди. У «Зенит» командаси билан бўлган учрашувда дуранг(1:1) билан қифояланишга мажбур бўлди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Арарат» — «Черноморец» 6:1, «Торпедо»— «(Кутаиси)— «Кубань»— 1:1, «Нефтчи» —«Шахтёр» —2:2, «Днепр» —«Металлист»— 0:0.

Э. АВАНЕСОВ.

СУРАТЛАРДА: ўйин пайти.

Р. Загратдинов фотолари.

М. У. Мирсоатов

Республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер, 1920 йилдан КПСС аъзоси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач, медицина фанлари кандидати, доцент Мирза Усмонович Мирсоатов 1982 йил 14 ноябрь куни тўсатдан вафот этди.

М. У. Мирсоатов 1902 йили новвой оиласида туғилди. Меҳнат фаолиятини 1912 йилда бошлади. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасидан сўнг у Туркистон Марказий Ижроия Комитети томонидан Фарғона фронтига сафарбар этилди. Бир йўла у махсус отряд (ЧОН) аъзоси ҳам эди. ЧОН сафларидаги хизмат даврида у босмачилар томонидан отилган эди, аммо врачларнинг ёрдами туфайли омон қолди. 1928 йилда Москва Давлат университетининг медицина факультетини битириб, шундан кейин аспирантурада давом эттирди. 1930 йилда аспирантурада ўқиб юрган вақтида ВКП(б) Марказий комитети томонидан 25-мингчилар қаторида Қозоғистонга колхоз қурилишига сафарбар этилди. Кандидатлик диссертациясини ёқлаб, Тошкент медицина институтининг директори бўлиб ишлади. Шу ердан Қизил Армия сафларига чақирилди. Уруш тугаганидан сўнг ТошМИда ишлашни давом эттирди, 1951 йилдан бошлаб Ўзбекистон тери-таносил касалликлари илмий-тадқиқот институтининг урология бўлимига мудирлик қилди. Институтдаги 25 йиллик меҳнат фаолияти давомида ўзини билимдон уролог мутахассис сифатида кўрсатди, унинг раҳбарлигида уч нафар медицина фанлари кандидати тайёрланди, 60 дан зиёд илмий иш, шу жумладан 6 монография эълон қилинди.

Партия ва ҳукуматимиз М. У. Мирсоатовнинг кўп йиллик самарали фаолиятини юксак тақдирлади. У II даража Ватан уруши ва Қизил Юлдуз орденлари, «Жанговар хизматлари учун», «Кавказ мудофааси учун», «1941 — 1945 йилларда Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медаллари билан, уч марта Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқлари билан мукофотланган, унга «КПСС сафида 50 йил» медали топширилган.

Толмас меҳнатчи, самимий ва меҳрибон инсон М. У. Мирсоатовнинг ёрқин хотираси қалбимизда абадий сақланади.

Бир группа ўртоқлари.

СУД ЗАЛИДАН

ФИРИБГАР ВА ЛАҚМАЛАР

Жуман Тўрахонов кейинги йилларда ҳалол меҳнат қилишни ўзига эп кўрмай бекор юрди. У енгил-елпи пул топиш йўлини режалаштириб, ёз кунларининг бирида Тошкент аэропортига келди. Бахтни қарангки билет кассаси олди одамлар билан гавжум эди. «Анови тўрттаси бир томонга кетадиганга ўхшайди, ўшаларни боплайман» ҳаёлидан ўтказди.

— Ассалому алайкум оғайнилар, жуда хомуш кўринасизлар,— гап отди Жуманвой бу ерда турган тўрт кишидан бирига қараб.

—Албатта хомуш бўламиз-де, ўртоқ. Душанба шаҳрига билет топишга қийналяпмиз.

— Вой ўртоқлар-ей, шунинг ҳам ғамини қиласизларми. Қани ҳар бирингиз 30 сўмдан ва паспортингизни берсангиз, биз бир минутда есть қиламиз.

120 сўм пул ва тўртта паспорт Жуманвойнинг қўлига осонгина ўтди. П. Жонгиров, Х. Жайманов, М. Аҳмедов, Г. Аллабердиевлар Жуманвойни бир минут эмас, бир неча соат кутишди. Бироқ ундан дарак бўлмади. Начора, улар фирибгарнинг қўлига тушганларига ишонч ҳосил қилишгач, ёрдам сўраб бу ердаги транспорт милициясига мурожаат қилишди.

Милиция ходимлари жабрланувчилар билан биргаликда ҳаракат қилиб, Жуман Тўрахоновни кўп ўтмай қўлга туширдилар.

Яна бир воқеа. Сергелида аҳоли учун металл буюмлар тайёрлаб берадиган устахона бор ёки йўқлигини билмаймиз. Сергели районидаги 72-ЖЭКда ишловчи Светлана Локтионовага шу савол билан мурожаат этганлар «Йўқ, лекин дераза панжараси керак бўлса топиб беришим мумкин» деган жавобни эшитар эдилар.

Кунлардан бир кун Светлананинг квартираси эшигидаги қўнғироқ жиринглади. Турмуш ўртоғи ташқарига чиқса, қўшниларидан Н. Тошмуҳамедов билан А. Тўлагановлар туришибди.

— Салом қўшнилар, келинглар.

— Сизнинг аёлингиз мендан металл панжара топиб бераман деб 75 сўм олган эди. Мана бир неча ой бўлдики на панжара топиб беради, на пулимни қайтариб беради, — деди. Н. Тошмуҳамедов.

А. Тўлаганов ўз дардини айтади:

— Сизнинг аёлингиз менга ҳам металл панжара топиб бераман деб 150 сўм олган эди. Кўп вақтдан бери пулдан ҳам, панжарадан ҳам дарак йўқ-ку!

— Ўртоқлар, менинг бундан хабарим йўқ, Светлананинг ўзи билан гаплашинглар.

— У қаерда?

— Билмайман.

Светланаси тушмагур фақатгина юқоридаги лақмаларга ҳайронмиз. Улар дераза ларига металл панжара ўрнатишни ўйлашибди-ю, бироқ фирибгарларни кўрганда ҳушёр бўлишни, ҳамёнларини ёпиб қўйишни унутишибди. Бундай лақмалар бўлмаганида, балки Жуман Тўрахонов билан Светлана Локтионова каби тоқин бойлик ахтарувчилар фойдали меҳнат билан шуғулланган бўлишармиди?

С. ЮСУПХОНОВ,
Сергели район прокурори ўринбосари.

М. ҲАКИМОВ,
жамоатчи мухбир.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 Тошкент бет. оқшоми

18 НОЯБРЬ, 1982 й.

ТУРИЗМ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА СОВЕТИ
1 ДЕКАБРГАЧА
Меҳнаткашларга 1983 йилда туристик-экскурсия хизмати кўрсатиш юзасидан

ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ

Область, касаба союз Советлари, соҳа комитетлари, корхоналар, колхозлар ва совхозлар, муассасаларнинг касаба союз комитетлари ва маъмуриятлари вакиллари ана шу даврда ўз ишчилари учун 250 та энг ранг-баранг Бутуниттифоқ ва маҳаллий маршрутлар бўйича туристик путевкаларини олиш имкониятига эга бўладилар.

Туристик путёвкаларни олишнинг бир мунча қулай усули — бевосита шартномалар тузишдир. Ташкилотлар бундай ҳолда бутун йил мобайнида путёвкалар билан кафолотли таъминланадилар, маршрутларни танлашда устунликдан фойдаланадилар. Бундан ташқари шартномалар тузган томонлар ўртасида пул ўтказиш ҳисоблари енгиллашади.

1983 йилга туристик— экскурсион хизмат кўрсатиш юзасидан шартномалар тузиш ушбу адресда амалга оширилади: 700176, Тошкент шаҳри, Луначарский шоссеси, 115-уй. Маълумотлар учун телефон: 66-26-41.

ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР РЕСПУБЛИКА СОВЕТИНИНГ ТУРИСТИК-ЭКСКУРСИОН ПУТЁВКАЛАРНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ БЎЛИМИ.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Озарбайжон драматурги АНОР асари — Э. КАЛАНДАРОВ музикаси

«ҚИЁФАЛАР ЁКИ «ЗАНЖИР»

(Икки пардали музикали ҳажвий комедия)

Таржимон ва қўшиқ текстлари муаллифи Ҳайдар МУҲАММАД.
Саҳналаштирувчи режиссёр — Неъмат САИДХОНОВ.
Дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Э. ТОШМАТОВ.
Рассом — А. ЖИБОЕДОВ.
Балетмейстер — Ш. АҲМЕДОВ.
Хормейстер — Қ. САЪДУЛЛАЕВ.
Концертмейстер — М. ФУРМАН.
Режиссёр ёрдамчилари — Р. МУҲИДДИНОВА, Р. ҚУРБОНОВ.

РОЛЛАРДА:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: С. ПЎЛАТОВ, Х. ШАРИПОВ, М. ИХТИЁРОВА.

Ўзбекистон Ленин Комсомоли мукофотининг лауреати М. КАРИМОВА.

Солистлар: Ф. Фаёзов, С. Раҳимжонов, Д. Сафарова, Ф. Аҳмедов, Қ. Ҳамидов, Н. Рустамов, Р. Маъдиев, А. Мамарасулов, Р. Қурбонов, Р. Солиҳов, М. Ҳусанова, Ҳ. Носиров, А. Салимов ва бошқалар.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

5-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ТОШКЕНТЛИК ҚИЗЛАРНИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Эркаклар устки кийимларини тайёрлаш бўйича тикувчи мотористка, аёллар устки кийимларини тайёрлаш бўйича тикувчи мотористка, аёллар ва болаларнинг енгил кийимларини тайёрлаш бўйича тикувчи мотористка.

8 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати — 3 йил. Улар ўқишни битириб, ўрта маълумот ҳамда ихтисос бўйича ҳужжат оладилар. Ўқиш даврида бепул кийим-бош ва овқат билан таъминланадилар.

Ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати 1 йил. Ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Техника билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

Техника билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар педагогика советининг қарорига биноан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти кундузги бўлимига кириб ўқиш учун йўлланма оладилар.

Билим юртини тугатганлар Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлайдилар.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, 100-алоқа бўлими, Б. Хмельницкий кўчаси, 55-уй. Телефон 55-39-83.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА
19 НОЯБРЬ СОАТ 17.00 ДА
СССР биринчилиги учун
«ПАХТАКОР» (Тошкент) — МАСК (Москва)
командалари ўртасида

ФУТБОЛ

КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

31-БУКИНИСТИК МАГАЗИНИ САВДОСИДА
(Навоий кўчасида, «Дўстлик» меҳмонхонаси қаршисида)
ЖАҲОН АДАБИЁТИ КУТУБХОНАСИ НАШРИНИНГ
ТЎЛА КОМПЛЕКТИ БОР
«ТАШКНИГА».

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ
Ҳ. С. СУЛАЙМОНОВ НОМИДАГИ ҚУЛЁЗМАЛАР ИНСТИТУТИ
АҲОЛИДАН

Шарқ қўлёзмалари, эски босма китоблар, ўзбек совет ёзувчи ва шоирларининг архив материаллари, шунингдек фольклор материалларини
СОТИБ ОЛАДИ

Сотиб олинган китоб ва бошқа материалларнинг нархи ўзаро келишув асосида белгиланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 69-уй. Телефонлар: 41-07-02, 41-01-02.

Кино суратга олиш объективлари солинган кулранг-яшил рангдаги чамадон (коффере) **топилганлиги тўғрисида**
«ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИГА — ушбу адресга маълум қилишларини
СЎРАЙМИЗ:
Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1-уй ёки телефонлар: 77-10-48, 77-11-25, 77-25-14.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ МОНТАЖ ТАШКИЛОТЛАРИГА
Технология ускуналари ва қозон қурилмалари монтажи бўйича слесарь-монтажчилар, 3, 4, 5, 6 разрядли электр газ пайвандчилар
КЕРАК

Иш командировкаларга бориш билан боғлиқ.

Ихтисослиги бўлмаган ёки Совет Армияси сафларидан бўшатилганлар учун бошқарма қошида юқорида кўрсатилган ихтисосликлар бўйича ойига 76 сўм миқдорида стипендия тўлаш билан курслар ташкил этилади.

Аралаш ихтисосликларни (кранчилик, слесарлик, пайвандловчилик) **эгаллаш ниятида бўлганлар марказий ўқув комбинатларига ўқишга боришлари мумкин. Ўқиш бўйича барча ҳаражатларни бошқарма ўз зиммасига олади.**

Ёлғиз кишиларга Тошкент шаҳрида прописка си билан ётоқхонадан жой берилади.

Ушбу адресга мурожаат этилсин. Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси., 3-уй, 3-подъезд, 5-хона — аҳолини ишга жойлаштириш бўйича марказий пункт.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/XI да Ун учинчи раис, 19/XI да Заҳар ичган даъвогар, 20/XI да Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Бахтиёр Ихтиёров ва солист Ш. Рўзиохуновнинг ижодий кечаси.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 19/XI дан бошлаб РСФСР халқ артисти Иван Рубан раҳбарлигидаги ёввойи ҳайвонлар аттракционининг гастроллари (19.30).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/XIда Ун учинчи раис, 19/XI да да Аризасига кўра, 20/XI да Қиёмат қарз.

КИНО

18 НОЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«БЎЙДОҚЛАР» — Восток.
«НАШТАР» № 99» — Ҳамза номли,
«ГУГУРТ» — Янгиобод.
«ТОНГ ҚАЕРДА ТУҒИЛАДИ?» — Ғафур Ғулом номли.
«ЖИНОЯТКОРОНА БЕПАРВОЛИК» — Ғунча.
«БОЛАЛАР СОҒЛИГИНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ» — Собир Раҳимов номли.
«ТУГАЛЛАНМАГАН СУҲБАТ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.
«ЯНА ГРИПП ҲАҚИДА»— Тинчлик.
«О, СПОРТ, СЕН — ШОДЛИКСАН!»— Сергели.
«БУЗИЛМАС ИТТИФОҚ» —Дружба.
«РАҚС БАЙРАМИ» —Фестиваль.
«БУ ҲАВФЛИ» — Мир.
«ЕНҒИН ВА БЕПАРВОЛИК» — ВЛКСМ 30 йиллиги номли.
«ТАМАКИ ҚИРОЛИНИНГ СОВҒАСИ»— Лисўнов номли.
«ЎТ БИЛАН ЎЙНАШМА» — Қозоғистон.
«СИЗНИ, КУТАМАН, ОЙИ» — Искра.
«ДИҚҚАТ, БОЛАЛАР!» —Искра.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОТАЛАР ВА БОБОЛАР» —Тинчлик (жуфт соатларда, телефон 53-86-07), Ғафур Ғулом номли (11, 14, 17, 20.00, телефон 48-42-80).
«АЛВИДО» ДЕЯ ОЛМАЙМАН» — Комил Ёрматов номли (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

19 НОЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«БЎЙДОҚЛАР» —Восток.
«НАШТАР» №99» — Ҳамза номли.
«ГУГУРТ»— Янгиобод.
«ЖИНОЯТКОРОНА БЕПАРВОЛИК»— Ғунча.
«БОЛАЛАР СОҒЛИГИНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ» — Собир Раҳимов номли.
«ТУГАЛЛАНМАГАН СУҲБАТ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.
«ЯНА ГРИПП ҲАҚИДА»— Тинчлик.
«О, СПОРТ СЕН—ШОДЛИКСАН!» — Сергели.
«БУЗИЛМАС ИТТИФОҚ» —Дружба.
«РАҚС БАЙРАМИ» — Фестиваль.
«БУ ҲАВФЛИ» — Мир.
«ЕНҒИН ВА БЕПАРВОЛИК» — ВЛКСМ 30 йиллиги номли.
«ТАМАКИ ҚИРОЛИНИНГ СОВҒАСИ» — Лисунов номли.
«ЎТ БИЛАН ЎЙНАШМА» — Қозоғистон.
«СИЗНИ КУТАМАН, ОЙИ»— Искра.
«ДИҚҚАТ, БОЛАЛАР!» — Искра.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОТАЛАР ВА БОБОЛАР» —Тинчлик (жуфт соатларда, телефон 53-86-07), Собир Раҳимов номли (18, 19.30, телефон 48-46-71).
«АМЕРИКАДА АСАЛ ОЙИ»— Комил Ёрматов номли (жуфт ва тоқ соатларда).

ҲАММАСИ ҚАЙЛА БИЛАН БОҒЛИҚ

Ўсимлик ёки ҳайвонот неъматидан тайёрланган консервалар махсус қадоқланган бўлиб, улар узоқ муддат сақлаб туриш учун жуда ҳам яроқлидир. «Консервалар» сўзи — лотинча бўлиб, «сақлайман» деган маънони англатади. Сиз гўштни пиширгандан кейин қоладиган оддий қайласидан консерва тайёрланганлигини биласизми?

Қадим замонларда қайлага унчалик ишонишмаган. Масалан, шотланд олими Нидгэм шундай тажриба ўтказиб кўрган: гўштнинг озгина қайласини олиб, уни шиша идишга солиб оғзини маҳкамлаб беркитган ва айнатган. Одатда масаллиқнинг таъмини бузадиган микроблар ҳалок бўлган, лекин орадан бир оз вақт ўтиши билан улар яна пайдо бўлган— сабаб, шишанинг тиқини ичкарига зичлаб киритилмаган. Лекин шотланд олими янглиш хулоса чиқариб, қайланинг ўзи микробларни туғдиради, деган хато фикрга йўл қўйган.

Итальян олими Спаллацани бундай фикрга рози бўлмаган. У ҳам шу тажрибани такрорлаган, лекин шишанинг оғзига тиқин тиқмасдан, балки кавшарлаган. Шундай кейин микроблар мутлақо пайдо бўлмаган. Париж ошпази Никола Франсуа Аппер ана шу тажрибалар ҳақида эшитиб қолганидан кейин тунука ва шиша банкалар олиб, уларни қайнатилган ва қовурилган гўшт ва шўрваси билан тўлдирган. Қайнатилган гўштли идишни мутлақо кавшарлаб ташлаган. Шундан кейин узоқ вақт сувда қайнатган. Банкалар 8 ой давомида сақланган, очилгандан кейин эса ундаги масаллиқлар тановул этишга мутлақо яроқли бўлган.

Консерваланган ноз-неъматлар— хонадонларимизда ана шундай банкалар, склянкалар бўлишига одатланиб қолганмиз. Эндиликда турмушимизни ана шу нарсаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Консервалар уйимизда қанча вақт сақланиб туриши мумкин? Бундай саволга оддий қилиб жавоб бериб бўлмайди 1900, 1916 йилларда тайёрланган консервалар ҳозиргача сақланиб қолган.

Мамлакатимизда 800 хилга яқин консервалар ишлаб чиқарилмоқда. Айрим кишилар бу консерваларни мустақил таомлар сифатида, тановул этадилар, бошқалари эса ранг-баранг ноз-неъматлар аралаштириб, салатлар, газаклар, шўрвалар ва қўпгина тановул таомлари тайёрлайдилар. Булар бизнинг дастурхонимизни янада тўкин-сочин қилмоқда.


БАЛИҚ КОНСЕРВАЛАРИ. Агарда холодильникда балиқ консервалари жамғариб қўйилган бўлса, ҳар қандай уй бекаси ҳам мехмонларнинг келиши билан тезда тансиқ таомларни тайёрлаб юбора олади. Бу консервалардан ранг-баранг салатлар, бутербродлар, паштетлар тайёрлаш мумкин. Бунинг учун сабзавотлар, ва ошқўлар қўшилса, чинакам байрамона таомлар бўлади. «Завтрак туриста» консерваларидан нонушта, тушлик ва кечки овқатни тайёрлаш мумкмин. Бу консерваларнинг ўзига хос алоҳида хилидир. Улар қовурилган балиқдан пиёз, ўсимлик мойи, қайнатилган гуруч ёки арпа ёрмаси, шунингдек зираворлар қўшиб тайёрланса жуда ҳам лаззатли бўлади. Уй шароитларида бир банка консервадан тушлик учун икки хил таом тайёрлаш мумкин: биринчисига балиқ шўрва ёки шўрва, иккинчисига эса балиқ— арпа ёрмаси қиймасидан дўлма тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Бу консервалар билан сафарга, шаҳар атрофи сайрига бемалол бораверса бўлади. «Завтрак туриста» консерваларини иситилган ва совутилган ҳолда тановул этиш мумкин.

БАЛИҚ КОНСЕРВАЛАРИДАН ТАОМЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ БИР НЕЧА РЕЦЕПТЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

САБЗАВОТ ВА МАЙОНЕЗЛИ БАЛИҚ

Балиқни банкадан ағдариб олинг, майдаламасдан бўлаклаб қирқинг ва салатдонга солинг, унга қайнатилган картошка, сабзи, майда тўғралган пиёз, тузланган бодринг, қайнатилган тухум, майонез, кўк нўхат солинг. Салатни чучук гаримдори, петрушка ва кашнич билан безаклайсиз.

Бир банка консерва учун: 3 дона картошка, бир дона тузланган бодринг, бир дона сабзи, бир бош пиёз, икки дона тухум, ярим банка майонез, уч ош қошиғида кўк нўхат.



КАРТОШКАЛИ БАЛИҚ

томатда пиширилган майда балиқ консервасининг бир банкасини олиб, ундаги масаллиқни ёғ суртилган товага ағдарасиз. Шундан кейин ўртача катталикда икки бош пиёз тўғраб солласиз ва устидан қайнатилган, паррақлаб қирқилган картошка билан қоплайсиз. Шундан кейин устидан бир оз ёғ қуясиз, майдаланган пишлоқ сепасиз, духовка шкафчасида 7—8 минут давомида димлайсиз.

КОНСЕРВАЛАНГАН СТАВРИДА САЛАТИ

консерваланган ставрида балиғининг бир бўлагини олиб, майдалайсиз, унга қайнатилган тухумни майдалаб тўғраб қўшасиз, майда тўғралган пиёз, кўк нўхат солиб ҳаммасини аралаштирасиз ва майонез қўшасиз. Консерваланган банкадаги ёғ салат учун ишлатилмайди. Салатни қайнатилган тухум бўлаклари, петрушка шохчалари билан безайсиз.

1 банка консерва учун: 3 дона қайнатилган тухум, 150 грамм кўк нўхат, 3 дона ўртача катталикдаги пиёз, 250 грамм майонез, петрушка.


ҚИЙМАЛИ ТАОМ

2 банка консерва (ёгда пиширилган ставрида) учун 3 дона тухум (қаттиқ пиширилган), ўртача катталикдаги бир бош пиёз керак бўлади.

Тухум, балиқни майда тўғраб банкадаги ёғ билан аралаштирасиз. Масаллиқни салатдонга солиб, петрушка ёки укроп билан безайсиз. Ёғ ва томатда пиширилган балиқ консерваларини шаҳарнинг барча озиқ-овқат магазинларидан сотиб олиш мумкин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ БОШ САВДО БОШҚАРМАСИ.

Қиш тежамкорликни тақозо қилади



Қиш фасли бошланишига саноқли кунлар қоляпти. Ёмғир, қор, совуқ олиб келадиган муздек ҳаво оқимлари кириб келадиган кунлар юз бериши турган гап.

Биз ана шу фаслда кўпгина вақтимизни цехда, устахонада, кабинетда, гаражда ўтказамиз...

Бино қуруқ ва иссиқ бўлса ишлаш қандай завқли. Кайфиятимиз, меҳнат унумдорлигимиз, саломатлигимиз ана шунга боғлиқ.

Қиш ойларида иссиқлик энергиясига бўлган талаб табиий равишда ошиб боради: Шунинг учун ҳам ундан тежаб-тергаб фойдаланиш ғоятда муҳим.

Иссиқни авайлаб тежаб сарфлаш иссиқлик қурилмаларининг бугун, иссиқ сувни қабул қилиб олишга қанчалик тайёр эканлиги, эшик ва деразаларнинг тешик ва туйнукларини маҳкамлаб беркитиш, буғ қувурларининг созланганлиги, иссиқлик трассасининг тозалигига боғлиқ.

Республикамиз бўйича фақат бир процент иссиқнинг йўқотилиши натижасида 30 минг тонна шартли ёқилғи сарфланиб кетишини биласизми?

Энергетика ресурсларининг экономикаси бўйича ишларни аниқ ҳисоб ва контроль қилмасдан туриб планлаштириш мумкин эмас. Афсуски, айрим корхоналар ва муассасалар иссиқлик тармоқларига ҳисоблаш асбобларисиз қўшиладилар. Ана шу хўжаликларда энергияни тежаш бўйича амалий ишлар олиб борилмайди, иссиқлик талон-тарожлик билан сарфланади.

ҲАММА ЖОЙДА ЭНЕРГЕТИКА РЕСУРСЛАРИНИ ТЕЖАШНИНГ РЕЗЕРВЛАРИ БОР!

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ҲУРМАТЛИ РАҲБАРЛАРИ!

Энергия тежамкорлиги бўйича кўрик-конкурсда актив қатнашингиз. Иккиламчи энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланингиз, сиқилган ҳаво, сув, буғнинг оқиб кетишига йўл қўймангиз.

ДЕРАЗАЛАР, ЭШИКЛАРНИ ОЧИҚ ҚОЛДИРМАНГ!

Иссиқлик— энергетика ресурсларининг пала-партиш сарфланиши манбаъларига ишончли тўсиқ ўз вақтида қўйилсагина, ҳар қандай совуқ ҳаво ҳам биз учун қўрқинчли эмас!

ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИНИ ТЕЖАНГИЗ!
«ЎЗГОСЭНЕРГОНАДЗОР».

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.



18 НОЯБРЬ—ПАЙШАНБА
Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.30 «Миллионлар ленинча университети», «Инсоннинг маънавий дунёси». Кўрсатувни фалсафа фанлари доктори Е. А. Ануфриев олиб боради. 19.00 МАИ Маданият саройининг болалар хор коллективи ижро этади. 19.15 «Дунё воқеалари», 19.30 Ракета қўшинлари ва артиллерия куни-га. СССР Мудофаа министрининг ўринбосари, стратегик мақсаддаги ракета қўшинлари Бош қўмондони, армия генерали В. Ф. Толубко сўзи. 19.45 Давлат академик Большой театрининг духовой оркестри чалади. 20.00 «Бурчини ўтаётганда ўлдирилган». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 «Солдат мемуарлари». 5-фильм. «Машиналар эмас, тилла...» Телевизион ҳужжатли фильм. 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 «Солих Сайдашев музикаси». Фильм-концерт.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Ерда, осмонда ва денгизда». 19.20 «Кумуш аср». Ҳужжатли фильм. 19.30 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Ота уйи». Деҳқон Лопатинлар оиласи ҳақида телеочерк. 21.30 «Время». 22.05 «Ёттовлон ўғлонларим», Бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Деярли рўй-рост воқеа». «Женя лақабли мушукча ва йўл ҳаракати қоидаси». Мультфильмлар. 18.30 «Ёшлик студияси кўрсатади». «Биз —80-йиллар комсомоллари». 19.00 «Фан уфқлари». Энергетиклар ва теплофизикларнинг Бутуниттифоқ симпозиуми. 19.30 «Ахборот». (рус.). 19.45 «Қуёшли ёмғир». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.00 «Дунё воқеалари». 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.20 Бадиий фильм. 23.50 Янгиликлар.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Ўқитувчилар учун консультация. «Илғор тажриба— ҳаммага». 18.40 Реклама. 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Йил фасллари». Телевизион фильм. 20,50 «Апшерон маслиналари». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.00 «Озиқ-овқат программаси —амалда 21.30 МТ II.

19 НОЯБРЬ — ЖУМА РАКЕТА ҚЎШИНЛАРИ ВА АРТИЛЛЕРИЯ КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Бурчини ўтаётганда ўлдирилган». Бадиий фильм. 11.10 Мактаб ўқувчиларининг артиллерия Маршали К. П. Казаков билан учрашуви. 11.55 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг РСФСР халқ артисти Н. Кутузов раҳбарлигидаги рус қўшиқлари академик хорининг концерти. 12.40 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Бўсағада». Ҳужжатли фильм премьераси. 15.45 «Рус тили». 16.15 «Урал оҳанглари». Уфадан олиб кўрсатилади. 16.45 «Экономика тежамли бўлиши керак». Шчербаков номли Москва шойи комбинатида меҳнатни ташкил этишнинг бригада формалари ҳақида. 17.00 «Ватаннинг оловли қалқони». Ҳужжатли фильм премьераси.

18.00 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Ёввойи ўрдаклар». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ягона оилада». Озарбайжон ССР КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. А. Алиев сўзи. «Совет Озарбайжони». Ҳужжатли фильм премьераси. «Республикамни куйлайман». Фильм-концерт премьераси. 21.30 «Время». 22.05 «Фигурачилар мавсумни очадилар». 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 «Рус музейи». XIX аср биринчи ярми портрет живописи. 23.50 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Трактор» 2 ва 3-даврлар. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 Октябрь революцияси номли Москва музика билим юрти баянчилар оркестрининг концерти. 19.20 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Крилья Советов» — «Динамо» (Москва). 2- ва 3-даврлар. «Крилья Советов» спорт саройидан олиб кўрсатилади. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Жасорат». 21.15 «Очиқ ҳаводаги музей». Рус Шимолининг ёғоч архитектураси ҳақида илмий-оммабоп фильм. 21.30 «Время». 22.05 Телевизион бадиий фильм.

Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлигининг Марказий конструкторлик лойиҳалаш-технология бюроси коллективи бўлим мудири А. А. Отахоновга отаси
Аминжон ОТАХОНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат —33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ— 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари —32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот— 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар — 33-79-70; аълонлар бўлими— 33-81-42; нашриёт диспетчери— 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари— 33-90-50.

18 НОЯБРЬ, 1982 й. Р—07509. Газета Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. В—2524 Индекс 64891.